

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Хайдарова Эъзоа Шукуруллаевна  
Тошкент архитектура-қурилиш институти  
"Қурилишда менежмент" кафедраси таянч  
докторанти  
E-mail: [xaydarovaezoa55@gmail.com](mailto:xaydarovaezoa55@gmail.com)

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини ижтимоий-иқтисодий моҳияти ҳамда қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллари таҳлили келтирилган. Бундан ташқари қурилиш материаллари саноатининг инновацион салоҳияти ривожланишининг асосий омиллари бир қатор жаҳон олимларининг илмий изланишлари натижалари таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган моделлар келтирилган.

Жаҳонда ривожланган мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётда инновацияларнинг кенг жорий этилиши мамлакатнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини ошишига ва барқарор ривожланиши учун мустақкам замин бўлиб хизмат қилади. Айниқса, саноат корхоналарида инновацион фаолиятнинг кенг йўлга қўйилиши тармоқ иқтисодий самарадорлигини ошишига бевосита таъсир кўрсатади. Буни эса инновацион ривожланиш даражаси ҳамда саноат тармоғи рақобатбардошлиги орқали кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти унинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишига боғлиқ ҳисобланади. Инновацион салоҳиятдан самарасиз фойдаланиш бевосита ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг рақобатбардош тизими ривожланиши жараёнини кескин пасайтиририш билан бирга мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатади.

Рақамлаштирилган иқтисодиёт шароитида замонавий қурилиш материаллари саноатининг ривожланиш даражаси, қурилиш хом ашёси, чиқиндилар ва саноатдаги қўшимча маҳсулотларни тежамкор технологиялар орқали самарали экологик тоза қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва бозорни туйинтиришга боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 май "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги ПҚ-4335 сонли қарорида қурилиш материаллари саноатига инновацияларни жорий қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар

ва технологик жараёнларни ҳар томонлама ўрганиш; юқори тижорат салоҳиятига эга ва рўёбга чиқаришга тайёр бўлган истиқболли стартап-лойиҳаларни танлаш ҳамда ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш; мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион салоҳиятидан кенг фойдаланиш орқали янги турдаги юқори самарадор қурилиш материалларини яратишга қаратилган мақсадли дастурларни шакллантириш назарда тутилган.<sup>1</sup>

Қурилиш материаллари саноати турли хил функционал мақсадлар хусусиятларига эга бўлган тизим ва тузилмалар асосидаги тадқиқотларнинг муҳим соҳасини қамраб олади. Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноатига бўлган юқори талабни йўл қурилиши ва уй-жой қурилиши тармоғининг ривожланиши орқали кўриш мумкин.

Иқтисодий адабиётларда “иқтисодий салоҳият” тушинчаси билан бирга “инновацион салоҳият” атамаси ҳам кенг қўлланилган. “Инновацион салоҳият” тушинчаси биринчи марта олим К.Фрименнинг илмий ёндошувларида акс этган. Унинг назариясига кўра **инновацион салоҳият** - бу амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслар мажмуи бўлиб, иқтисодий субъектнинг инновацион фаолияти ҳисобланади.<sup>2</sup>

Шунингдек олим И.С.Лукашов **корхонанинг инновацион салоҳияти** - бу корхонанинг инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга ошириш қобилиятини аниқлайдиган хусусиятлар мажмудир<sup>3</sup> деб таърифлаган.

Корхона инновацион салоҳиятини ижтимоий-иқтисодий моҳияти, назарий услубий жиҳатлари, инновацион салоҳиятни баҳолаш ҳамда бошқариш механизмлари муаммолари кўплаб иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Хусусан чет эл олимларидан М.Додгсон, Г.Гросси, Ж.Генри, Д.Уолкер, П.Друкер, М.Портер, Ф.Вестлей, Х.Минцберг, Б.Такер, Й.Шумпетер, А.Афуах, Т. Бурнс, Г. Сталкер, Х.Ж. Буллинггер, К. Ауернхаммер, А. Гомерингер, Л. Либутти, С. Попадиюк, С.В.Чу<sup>4</sup> ва бошқаларнинг асарларида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 май “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ- 4335 сонли қарори

<sup>2</sup> [freeman c.the national system of innovation historical perspectives. cambridge journal of economics,1995.vol.19.No1](#)

<sup>3</sup>И.С. Лукашов “Факторы формирования инновационного потенциала предприятия” Научно-технические ведомости СПбГПУ 4’ 2012. Экономические науки

<sup>4</sup> Dodgson M. The management of technological innovation: An international and strategic approach. Oxford University Press, 2000, 248p.; Такер Р. Инновации как формула роста / Р. Такер. – М.: Олимп – Бизнес, 2006. –



замонавий инновацион менежмент назарияси, масалалари, стратегиялари, кичик бизнес субъектларида рақобатбардошликни таъминлашда инновацион менежмент технологияларидан фойдаланиш масалалари кенг ёритилган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Ш.Н.Зайнутдинов “Инновацион салоҳият мамлакатнинг техника ва технологияси янгиланиши, унда илмий-техника ривожланиши даражасини, диверсификация сиёсатининг кучайишини англатади” деб таърифлаган. Шунингдек, и.ф.д. Р.И. Нуриббетов фикрига кўра “Инновацион салоҳият” тушунчаси кенг маънодаги мамлакатнинг фан, иқтисодиёт, технология, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиликлар мажмуини ифодалайди.<sup>5</sup> деб таърифлаган.

Мамлакатимиз яшаш муҳитини яхшилаш, иқтисодий - ижтимоий муҳитни замон билан ҳамоҳанг бўлиши қурилиш саноатининг юқори технологияли ривожланиши билан узвий боғлиқ. Натижада ҳудудларни қулай яшаш ва муваффақиятли бизнеснинг тизимига айлантириш мумкин ҳисобланади. Қурилиш комплексининг инновацион ривожланиши яъни миллий, минтақавий, тармоқ ва корпоратив инновацион дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш давомида минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиши ва қурилиш саноати корхоналарининг инновацион салоҳияти ва маданиятини ривожлантириши учун иқтисодий ресурслардан максимал фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

**Қурилиш материаллари саноати** бу— уй-жой қурилиши, қурилиш материаллари ва қишлоқ хўжалиги соҳалари учун ишлаб чиқарувчи саноат ҳисобланади. Қурилиш материаллари саноати бир қанча тармоқларни ўз ичига олади: цемент, асбест-цемент шифери, асбест-цемент қувурлари, девор материалари (ғишт), оҳақ, гипс, дераза ойналари, юмшоқ ёпма материаллар, табиий тошлардан қоплама материаллар, безак ҳамда пол учун сопол (керамик) плиталар, иситгич радиаторлар ва конвекторлар, чинни-фаянс санитария-қурилиш буюмлари, линолеум, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар, норуда қурилиш материаллари (майдаланган, чақилган тош, қум, шағал, қум-шағал аралашмаси) ва бошқалар.<sup>6</sup>

Қурилиш материаллари саноати халқ хўжалигининг деярли барча

240 с.; Grossi G. Promoting Innovation in a big business. Long range planning. Vol. 23, N1, 1990, 240p.; Шумпетер И. Теория экономического развития / И. Шумпетер. -М.: Директ-Медиа, 2007. 400 с.; Henry, J. and Walker, D. Managing Innovation, London: Sage Publications, 1991, 367p.; Westley, F., Mintzberg, H. Visionary leadership and strategic management, Strategic Management Journal, 1995, P. 32.;

<sup>5</sup> Нуриббетов Р.Р. Инновацион салоҳият – замонавий иқтисодиётни ривожлантириш пойдевори. BIZNES-ЭКСПЕРТ. 2017. №5. 46-56 б.

<sup>6</sup> Эркин Акрамов. Qomus.info onlayn ensiklopediya

тармоқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, завод ва фабрикалар, уй-жойлар, йўллар ва ирригация иншоотлари қурилиши ҳажми ортиши билан қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж ҳам ошиб боради. Бу эса қурилиш материаллари саноатига инновацияларни жалб қилишни талаб қилади.

Қурилиш материаллари саноати корхоналари инновацион салоҳият даражаси маълум бир омилар таъсири натижасида шаклланади ва ривожланади. Корхона инновацион салоҳиятини бошқариш объектив ҳар томонлама тадқиқ этиш натижасида унга таъсир этувчи омиларни аниқлаш ва тизимлаштириш муаммоси долзарб ҳисобланиб, етарлича ишлаб чиқилмаган.

**Инновацион салоҳият омили** деганда, корхона инновацион салоҳияти ўсишининг жадаллиги ва тавсифига таъсир ўтказувчи шартлар, сабаб ва иқтисодий кўрсаткичларни тушунамиз. Корхоналарда инновацион жараён, кўплаб омиларнинг ўзаро таъсири натижаси сифатида майдонга чиқади.

Корхона инновацион салоҳиятининг шаклланиши ва амалга оширилиши, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларидан маҳсулотнинг оммавий ишлаб чиқариш ёки инновацион технологияларни қўлланилишигача, инновацион жараёни жадаллаштирувчи омилар ва шароитлар мажмуининг ўзаро тизимли таъсири билан боғлиқ.

Жаҳон олимлари қурилиш материаллари саноати корхоналарнинг инновацион салоҳиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиларни ўз илмий изланишларида бир неча турларга ажратиб амалиётга тадбиқ қилишган. Улар томонидан қурилиш материаллари саноати корхоналарнинг инновацион салоҳиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилар ўзаро фарқли равишда инновацияларни яратилиши, инновацион салоҳиятнинг ўсиши, ривожланиши каби таърифлар билан бойитилган. Шундай омиларидан бири И.С. Лукашов ўз илмий ёндашувида инновацион салоҳиятига таъсир қилувчи ички омиларга қуйидагиларни киритган:

- молиявий салоҳият.
- кадрлар салоҳияти.
- ишлаб чиқариш ва технологик салоҳият.
- тадқиқот салоҳияти.
- бошқарув салоҳияти.
- ахборот салоҳияти.
- инновацион маданият<sup>7</sup>

<sup>7</sup> И.С. Лукашов. «Факторы формирования инновационного потенциала предприятия.// Научно-технические ведомости СПбГПУ 4 2012. Экономические науки.



Д.Е. Столяровнинг фикрича қурилиш мажмуалари фаолиятига ҳамда қурилиш компаниялари тузилмаларига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводлари, қурилиш майдончалари, қурилиш дизайнлари, тадқиқот бўлимлари қўйидаги миллий таълим ва қурилиш фаолиятига таъсир қилувчи ташқи омиллар билан тартибга солиниши изоҳлаган.

Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқариш амалиёти шуни кўрсатадики, инновацион салоҳиятга таъсир қилувчи омиллар самарадорлиги молиявий ресурслар ҳажми ва инвестициялар қиймати ҳамда уларнинг ўз вақтида келиб тушиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаштириш жараёнини бошқариш тизими мослашувчанлик, индивидуал элементларининг динамиклиги, ўзгартириш қобилиятига асосланган бўлиши керак.

Фикримизча хорижий ва маҳаллий олимларнинг олиб борган ислохатларини таҳлил қилиб, ўрганишимиздан келиб чиқиб, қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятига таъсир қилувчи асосий омиллари қўйидагилар деб ҳисоблаймиз:

- интеллектуал салоҳияти
- молиявий-иқтисодий салоҳият
- ишлаб чиқариш - технологик салоҳияти
- илмий – техник салоҳият
- ташкилий - бошқарув салоҳияти
- маркетинг салоҳияти



### **1-расм. Корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқаришга таъсир қилувчи ички омиллар<sup>8</sup>**

Қурилиш саноати корхоналарнинг инновацион салоҳиятини инновацион лойиҳаларни амалга ошириш шарт - шароитларни таъминлайдиган ишлаб чиқариш, бошқарув ва ташкилий салоҳиятлар йиғиндиси сифатида тушунишни таклиф этамиз. Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион салоҳиятига таъсир этувчи омилларнинг янада самарали ишлаши учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз. Интеллектуал салоҳиятни ошириш учун мавжуд кадрларни салоҳиятини таҳлилий баҳолаб, таҳлил натижалари паст чиққан ходимларни қайта ўқитишни ташкил этиш, қайта ўқитиш харажатларининг улушини кўпайтириш, шунингдек ходимларни мавжуд профессионал гуруҳларга индивидуал ва қиёсий графиклар тузиб бириктиришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу орқали қурилиш материаллари саноати корхоналарининг маҳсулот сифатининг ошишига ҳамда малакали муҳандис-техник ходимларнинг ҳиссасини оширишга эришилади. Молиявий-иқтисодий салоҳият корхонанинг стратегик мақсадларини ва ривожланиш йўналишларини энг самарали амалга оширишга имкон бериши учун молиялаштириш манбаларини бозордаги мавқеини ўрганган ҳолда инновацияларнинг фойдалилигини оширишда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, муайян инвестиция лойиҳаси учун қўшимча акциялар, облигатсиялар чиқариш ҳамда инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан сўнг инвесторга фойда улушини ўтказиб бериш шarti билан инвесторларнинг маблағларини улушли молиялаштиришни кенг жалб қилиш орқали эришилади.

Шу билан бирга, қурилиш саноати корхоналарини технологик ривожлантириш бўйича федерал мақсадли дастурлар ва дастурларнинг роли ошиб бормоқда, улар инновацион маҳсулотни жорий этиш ҳажми ва йўналишлари бўйича мувозанатли инновацион тизимнинг элементлари сифатида қаралиши давлат томонидан қурилиш соҳасида тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини рағбатлантириши мумкин деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 май “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ- 4335 сонли қарори.

---

<sup>8</sup> Муаллиф ишланмаси



2. [freeman c.the national system of innovation historical perspectives. cambridge journal of economics,1995.vol.19.№1](#)
3. И.С. Лукашов “Факторы формирования инновационного потенциала предприятия” Научно-технические ведомости СПбГПУ 4’ 2012. Экономические науки
4. Dodgson M. The management of technological innovation: An international and strategic approach. Oxford University Press, 2000, 248p.; Такер Р. Инновации как формула роста / Р. Такер. – М.: Олимп – Бизнес, 2006. – 240 с.; Grossi G. Promoting Innovation in a big business. Long range planning. Vol. 23, N1, 1990, 240p.; Шумпетер И. Теория экономического развития / И. Шумпетер. -М.: Директ-Медиа, 2007. 400 с.; Henry, J. and Walker, D. Managing Innovation, London: Sage Publications, 1991, 367p.; Westley, F., Mintzberg, H. Visionary leadership and strategic management, Strategic Management Journal, 1995, P. 32.;
5. Otajanova, M. O. (2016). NEW APPROACH TO THE TRADITIONS. Theoretical & Applied Science, (11), 8-12.
6. Нурумбетов Р.Р. Инновацион салоҳият – замонавий иқтисодий ривожлантириш пойдевори. BIZNES-ЭКСПЕРТ. 2017. №5. 46-56 б.
7. Эркин Акрамов. Qomus.info onlayn ensiklopediya.
8. Машарипов, В. У., Мирвалиева, Н. Р., & Абдуллаев, У. М. (2023). Местный иммунитет и специфическая сенсбилизация к антигенам бактерий у больных тонзиллитом. Science and Education, 4(2), 392-400.
9. И.С. Лукашов. «Факторы формирования инновационного потенциала предприятия.// Научно-технические ведомости СПбГПУ 4 2012. Экономические науки.